

Ароқийбларга дўзахда ҳалокат бўлсин!



12:05 / 10.11.2019 2632

Муғйра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилдилар-да, бошларининг олд қисмига, саллаларига ва икки маҳсиларига масҳ тортдилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда таҳоратда масҳ тортиладиган жойлар ҳақида сўз бормоқда:

1. «Бошларининг олд қисмига».

Ривоятдан кўришиб турибдики, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам салла кийган ҳолларида таҳорат қилганлар. Бошларига масҳ тортганларида ҳаммасига тортмай, салланинг бир томонини кўтариб туриб, бошларининг олд томонига масҳ тортганлар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари шу ҳадисни далил қилиб, «Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш фарз, ҳаммасига тортиш фарз эмас», яъни киши таҳорат пайтида бошнинг тўртдан бирига масҳ тортса, таҳорати тўғри бўлади, ундан оз бўлса, тўғри бўлмайди, деганлар. Бошқа мазҳаб

уламолари «Бошнинг ҳаммасига масх тортиш керак», дейдилар.

2. «Саллаларига».

Саллага масх тортиш бошнинг тўртдан бирига масх тортиб олгандан сўнг бўлган иш эканлиги ривоятнинг ўзида очиқ-ойдин кўриниб турибди. Кўпчилик уламолар «Бошга масх тортмасдан, салланинг ўзига масх тортиш жоиз эмас», дейдилар.

3. «Икки маҳсиларига масх тортдилар».

Бу ҳукмнинг тафсилотини келажакда ўрганамиз, иншааллоҳ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу таҳорат қиладиган жойда одамларнинг таҳорат қилаётганларини кўриб:

«Таҳоратни мукамал қилинлар, мен Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ароқийбларга дўзахда ҳалокат бўлсин!» деганларини эшитганман», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«(Яхши ювилмаган) Товонларга дўзахда ҳалокат бўлсин» дейилган.
Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Ароқийб» – «арқуб»нинг жами бўлиб, араб тилида товон устидаги йўғон пай шу ном билан аталади.

Абул Қосим – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кунялари. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қосим исми ўғиллари бўлиб, у кичиклигида вафот этган. Ўша фарзандлари исми билан куняланганлар.

Имом Бухорий қилган ривоятда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўша одамларнинг товонларини яхшилаб ювмасдан, уларга масх тортаётганларини кўриб қолиб, ушбу ҳадисдаги гапларни айтганлар, дейилади.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Таҳоратни мукамал қилиш лозим эканлиги. Бу ҳақда келгуси ҳадисда алоҳида сўз юритилади.
2. Таҳоратда оёқнинг ҳаммасини яхшилаб, сув етказиб ювиш кераклиги.

Ушбу ҳадисда ушбу маънога алоҳида эътибор берилиши баъзи тоифалар, хусусан, шийъа мазҳаби ва баъзи зоҳирийларнинг «таҳоратда оёққа масҳ тортилади», деган гапларини ботил қилиш учундир.

3. Биладиган одам амалда хатога йўл қўяётган кишини кўрса, тузатиб қўйиши зарурлиги.

4. Эътиборсизлик ила таҳоратда аъзоларнинг баъзи жойига сув етмай қолса, азобга сабаб бўлиши.

5. Товонларни ювишга алоҳида эътибор бериш кераклиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан